# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 06

«11» апрель 2022 йил Наманган шаҳар

Наманган Мухандистлик қурилиш институти академик лицей
(Корхона номи )
(кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан Р.Гуламов ва
**MUZAFFAR FOOD МЧЖ**
(Корхона номи)
(кейинги ўринларда "Хизмат курсатувчи" деб юритилади) номидан М.Хусанов
(шартнома тузишни расмийлаштиришга ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. )
мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## I. Шартнома мавзуси

1.1. Хизмат курсатувчи ва буюртмачи уртасида тузилган хизмат шартномаси бўйича курсатилган хизмат эвазига Ижрочи Буюртмачининг топшириғига кўра мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ижрочи кейинги ўринларда "Хизматлар" деб аталадиган қуйидаги хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади: Академик лицей ётокхонасида яшаётган укувчиларни уч махал имтиёли овкатлантириш хизматини сифатли бажарилишини уз зиммасига олади. Бюртмачи хизматлар учун туловларни уз вактида амалга ошириш мажбуриятини олади.

1.3.1. Хизматлар Буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан Хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган деб ҳисобланади.

## II.Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

2.1.1. Хизматларни лозим бўлган сифатда бажариш.

2.1.2. Хизматларни мазкур Шартноманинг 1.3.-бандида кўрсатилган муддатда тўлиқ ҳажмда кўрсатиш.

2.1.3. Агар Ижрочи Хизматлар кўрсатиш жараёнида Шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштирадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, Буюртмачининг талабига асосан барча аниқланган камчиликларни 3 кун ичида текинга бартараф этиш.

2.1.4. Ижрочи Хизматларни бажариш бўйича ишни шахсан бажариши шарт.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2.1. Хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 10 кун ичида мазкур Шартноманинг 3-бандида кўрсатилган баҳо бўйича Хизматларга ҳақ тўлаш.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Ҳар қандай вақтда Ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

## III. Шартнома баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби.

3.1. Мазкур шартноманинг бахоси: 641 253 249 (Олти юз қирк бир минг икки юз эллик уч минг икки юз қирк туққиз) сўмни ташкил этади.

(лойиха смета, тендер буйича ёки узаро келишувга кура).

3.2. Буюртмачи амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 % фоиз аванс тўловини олдиндан Ижрочи ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Қолган 70 % миқдордаги тўловни бажарилган ишлар қабул қилиб олгач 5 банк иш кунида ўтказиб беради.

## IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган Хизматлар муддатини бузганлиги ҳамда Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вактида бартараф этилмагани учун Хизмат курсатувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Тарафларнинг Мазкур Шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фукаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

4.3. Нуксон ва камчиликларни тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

## V. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.2. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Хўжалик судида ҳал қилинади.

## VI. Форс-мажор ҳолати

6.1. Форс-мажор холати, яъни томонларга боғлик бўлмаган ҳолатлар (ёнгин, сув тошқини шу каби енгиб бўлмайдиган кучлар) юз берган тақдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

## VII. Якуний қоидалар

7.1. Мазкур Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, Тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Шартнома Газначилик руйхатидан утгандан сунг кучга киради.

7.2. Мазкур Шартнома уч нусхада тузилиб, уччала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Шартнома Газначилик булимидан руйхатдан утгандан кейин кучга киради. Шартномани амал килиш муддати 2022 йил 31 декабргача амал килади.

**Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:**

| *"Бажарувчи"* | "Буюртмачи" |
|---|---|
| **MUZAFFAR FOOD МЧЖ** | НамМКИ академик лицей |
| (мол етказиб берувчининг номи) | (бюджетдан маблаг олувчининг номи) |
| Манзил: Манзил: Наманган ш И.Каримов 12 уй | Манзил: Наманган шахри И.Каримов куча 12 уй |
| Тел./факс __+99 899 974 55 54 | Тел./факс 69 234-32-86 |
| Х/Р: 20208000600718039001 | Шхв: 100010860144017092500079002 |
| Банк номи<br>Узсаноат курилиш банк Наманган филиали | бюджетдан маблаг олувчи СТИРи 201592739 |
| МФО: 00711 СТИР: 304600642 | ОКОНХ 92120 |
| ОКОНХ __________ | Газначилик бўлинмаси номи: Наманган вилояти Газначилик булими<br>Газна х/в 23402000300100001010<br>Банкнинг номи ХККМ МБ |
| | МФО: 00014 газначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919 |
| Рахбар: М.Хусанов (Ф.И.Ш) | Рахбар: (лавозим) (Ф.И.Ш) |
| (имзо) | (имзо) |
| М.Ў. | М.Ў. |

Юрист [signature] Х. Махкамов

# МУХОКАМА АХБОРОТИ

"11" апрель 2022 йил Наманган.ш

Наманган вилояти худудидаги НамМКИ академик лицейи ташкилоти томонидан 2022 йил "07" апрелдаги 22110012061125 сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғриси"даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Аутсорсинг товар (иш,хизмат) учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғриси"даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича MUZAFFAR FOOD МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар "Давлат харидлари тўғриси"даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши

мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**НамМКИ академик лицей директори** — **Р.Гуламов**

**НамМКИ академик лицей бош хисобчиси** — **А.Дехконбаев**

2022 йил да НамМКИ академик лицей талабаларининг уч махал имтиёзли овкатлантириш

Хизмати СПЕЦИФИКАЦИЯси

| Ойлар | Натура микдори: дона | Сони | Кунлар сони | Бирлик нархи | Сумма | Бундан ташкари индексация | Жами сумма |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Январ | | | | | 0 | | 0 |
| Феврал | | | | | 0 | | 0 |
| Март | 261 | 26999 | 27 | 7046739 | 190261953 | | 190261953 |
| **1-Чорак** | | | | **7046739** | **190261953** | | **190261953** |
| Апрел | 261 | 26999 | 10 | 7046739 | 70467390 | | 70467390 |
| Май | 261 | 26999 | 10 | 7046739 | 70467390 | | 70467390 |
| Июн | 261 | 26999 | 4 | 7046739 | 28186956 | | 28186956 |
| **2-Чорак** | | | | **21140217** | **169121736** | | **169121736** |
| Июл | | | | 0 | 0 | | 0 |
| Август | | | | 0 | 0 | | 0 |
| Сентябр | 261 | 26999 | 10 | 7046739 | 70467390 | | 70467390 |
| **3-Чорак** | | | | **7046739** | **70467390** | | **70467390** |
| Октябр | 261 | 26999 | 10 | 7046739 | 70467390 | | 70467390 |
| Ноябр | 261 | 26999 | 10 | 7046739 | 70467390 | | 70467390 |
| Декабр | 261 | 26999 | 10 | 7046739 | 70467390 | | 70467390 |
| **4-Чорак** | | | | **21140217** | **211402170** | | **211402170** |
| **Жами 1-йилда** | | | | | **641253249** | | **641253249** |

Хизмат курсатувчи:

Рахбар:

Истеъмолчи: Мухр,имзо

Рахбар:

Бош хисобчи: